

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЭРКАЕВА НАЗОКАТ АКТАМОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА СИНТЕТИК ЮВИШ
ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Эркаева Назокат Актамовна

Махаллий хомашёлар асосида синтетик ювиш воситаларини олиш
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Эркаева Назокат Актамовна

Разработка технологии получения синтетических моющих средств
на основе местных сырьевых ресурсов 21

Erkaeva Nazokat Aktamovna

Development Of Technologies For Producing Synthetic Washing
Products Based On Local Raw Materials..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЭРКАЕВА НАЗОКАТ АКТАМОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА СИНТЕТИК ЮВИШ
ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1278 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кашибергенов Атабек Тулепбергенович
техника фанлари доктори

Расмий ошпонентлар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Султонов Боходир Элбекович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ургенч Давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc. 02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «8» сентябрь 2020 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanuz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2020 йил «28» август кунни тарқатилди.

(2020 йил «28» август даги 11- рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., проф.

С.А. Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиёти кўрсатдимокдаки, кимё саноати замонамизнинг илмий-техник тараққиётини белгилаб беради ва шунинг учун халқ хўжалигини кимёлаштириш давлат иқтисодиёти ривожланишининг асосий мезонларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқ хўжалигини фосфатсиз, экологик тоза ва юқори сифатли синтетик ювиш воситалари (СЮВ) билан таъминлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини янада яхшилаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу борада ювиш воситалари таркибига сирт фаол моддалар (СФМ) билан биргаликда турли хил сода маҳсулотлари (натрий сесквикарбонати ва бошқ.), кимёвий оқартирувчилар (натрий пероксикарбонати ва бошқ.), ундан ташқари баъзи органик ва ноорганик қўшимчалар киритиш йўли билан юқори функционал кўрсаткичларга эга бўлган экологик тоза СЮВлар олиш технологиясини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бутун дунёда ишлаб чиқариладиган СЮВлар таркиби СФМдан ташқари кальцинацияланган сода, натрий учполифосфати, натрий сульфати, кимёвий оқартирувчилар, органик ва ноорганик қўшимчалар каби асосий моддалардан иборат. Аммо кальцинацияланган сода юқори аллергия таъсирга эга, натрий учполифосфати моддаси ўта танқис ҳисобланади, ундан ташқари унинг атроф-муҳитга санитар-экологик ҳавфи юқоридир, шу сабабли натрий сесквикарбонат (трона) ва перкарбонати асосида фосфатсиз ва экологик жиҳатдан ҳавфсиз СЮВлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш долзарб ҳисобланади. Бу мақсад учун қуйидаги йўналишларда тегишли илмий-техник ечимларни асослаш зарур: натрий перкарбонатни олиш жараёнига асосий технологик омиллар таъсирини аниқлаш; натрий карбонати ва углерод (II) оксид гази асосида натрий сесквикарбонат синтези усулларини такомиллаштириш; натрий сесквикарбонат, натрий пероксикарбонат ва бошқа ноорганик ва органик қўшимчалар асосида ювиш воситалари композицияларининг (кукунсимон ва суюқ) янги таркибини олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва инновацион ишланмалар натижасида натрий бикарбонати ва карбонати, натрий ва калий гидроксиди ва сульфати, кальцинацияланган сода асосида СЮВ, бошқа минерал тузлар ишлаб чиқариши соҳасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада «Қўнғирот сода заводи» АЖ маҳсулотлари ва ярим маҳсулотлари асосида янги марказдаги СЮВ олишда янги ишлаб чиқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

жараёнларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича вазифалар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётда сирт-фаол моддалар синтези ва уларни кимё ва кимё-технология турли соҳаларида қўллаш бўйича маълум ҳажмдаги илмий материаллар мавжуд (Ахмедов К.С., Хамраев С.С., Агзамходжаев А.А., Ахмедов У.К., Эшметов И.Д. ва бошқалар). Лекин натрий пероксикарбонати ва сесквикарбонати, ундан ташқари улар асосида ювувчи воситалар олиш жараёнлари тадқиқотлари йўқ.

Адабиётда гарчанд натрий сесквикарбонати ва пероксикарбонати синтези жараёнлари тўғрисида маълумотлар бўлса ҳам, аммо улар асосида кукунсимон ва суюқ ювувчи воситалар олиш масалалари умуман кўриб чиқилмаган.

Жаҳонда George Lewis, Louis Robson Homer, Macmullin Robert B, Wilhelm Hirsghkind, Демили Поль, Коломиец В.А., Бакиров М.С., Чемолосова Л.Ф., Дрозин Н.Н., Карпенко В.Г., Неволин Ф.В., Шихов Б.А. каби олимлар томонидан натрий карбонати, бикарбонати ва гидроксиди асосида натрий сесквикарбонати ва пероксикарбонати олиш технологияни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ҳозирги кунда украиналик (Качур А, Лешченко В.) ўзбекистонлик (Эркаев А.У., Каипбергенов А.Т.) олимлари томонидан натрий карбонати ва бикарбонати асосида натрий сесквикарбонат олиш усули ишлаб чиқилган. Аммо ушбу усулнинг камчиликларига қуйидагиларни: мақсадли маҳсулот – сесквикарбонат нисбатан кам чиқими, технологик босқичларнинг мураккаблиги ва чўкмаларни қуритиш жараёнига катта энергетик сарфларни келтириш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган олий ўқув юртидаги илмий-тадқиқот ишлари билан ўзаро боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-6-117 "Мирабилит ва аммоний карбонатидан кальцинациялаган сода ва аммоний сульфатини олиш учун ресурс тежамкор

технологиясини ишлаб чиқиш" (2010-2012 йй.) ва ИТД-12-40 "Нам усулда трона ва тозаланган натрий бикарбонат олиш технологиясини ишлаб чиқиш" (2012-2014 йй) ва "Натрий бикарбонат ва кальцинациялаган сода асосидаги синтетик ювиш воситалари олиш технологиясини ишлаб чиқиш" (2010-2011 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар ва ҳўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади натрий карбонат, углерод (II) оксиди ва водород пероксиди асосида натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонат олиш, уларни қайта ишлаш орқали кукунсимон ва суюқ маиший синтетик ювиш воситалари олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонатдан кукунсимон ва суюқ маиший СЮВ олиш соҳасида адабиётлар таҳлилини ва патент қидирувини ўтказиш;

$\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}_2\text{-H}_2\text{O}$ системасининг эрувчанлик политермасини назарий таҳлил қилиш асосида натрий пероксикарбонат олиш жараёнини ўрганиш;

натрий карбонат ва водород пероксид эритмалари асосида натрий пероксикарбонат олиш жараёнининг мақбул технологик параметрларни аниқлаш;

натрий карбонатнинг водород пероксид билан ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган суспензиянинг реологик хусусиятлари ва филтрланувчанлигини тадқиқ этиш;

натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонат олишнинг мақбул шароитларини сода эритмаларини босим остида карбонизациялаш орқали аниқлаш;

сода эритмаларини карбонизациялаш жараёнида олинган суспензиянинг реологик хусусиятларини ва филтрланувчанлигини ўрганиш;

олинган натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонатнинг электрон-микроскопик, рентген ва дифференциал-термик таҳлилларини ўтказиш;

кукунсимон ва суюқ маиший СЮВлар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;

кукун ҳолатидаги СЮВ олиш бўйича ташкилот стандартини (TSh) тайёрлаш;

олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва товар хоссаларини ўрганиш. Натрий пероксикарбонати ва маиший СЮВ-композицияларни олишни лаборатория модел қурилмасида синаш;

таклиф қилинаётган технологиянинг технологик тизимини ишлаб чиқиш, моддий балансини тузиш ва техник-иқтисодий ҳисобларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти натрий карбонати, водород пероксиди, натрийкарбоксилметилцеллюлоза (NaКМЦ), суюқ шиша, СФМлар - натрий лауретсульфати (SLES), натрий лаурилсульфати (SLS), алкил бензол сульфон кислотаси (LABSA), карбонат ангидрид, кокамидопропил ДЕА (SDEA ёки 6501), бўёқлар ва ҳушбўй моддалар.

Тадқиқотнинг предмети натрий пероксикарбонати ва сесквикарбонати ҳамда улар иштирокида маиший СЮВ нинг юқори самарали композицияларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, рентгенографик, микроскопик, дифференциал-термик ва визуал-политермик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}_2\text{-H}_2\text{O}$; $\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-CO}_2\text{-H}_2\text{O}$ системалар эрувчанлик политермасини назарий таҳлил қилиш орқали натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонат олишнинг технологик параметрлар мақбул оралиғи асосланган;

физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида натрий карбонатини водород пероксиди билан ўзаро таъсири натижасида $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ ҳосил бўлиши исботланган;

сода эритмаларини карбонат ангидрид билан босим остида карбонизациялаш орқали натрий сесквикарбонат олиш усули ишлаб чиқилган;

илк маротаба СЮВ нинг таркиби ва хоссалари орасидаги боғлиқлик қонуниятлари ювувчи компонентларнинг ва фаол қўшимчаларнинг турли нисбатларига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор газ-сууқ усулда олинган натрий сесквикарбонат ва натрий пероксикарбонатдан фойдаланиб, юқори функционал кўрсаткичга эга бўлган кукунсимон ва сууқ маиший ювиш воситаларининг таркиби яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хом ашёлардан импорт қилинадиган оқартирувчи қўшимчалар ўрнини босувчи натрий пероксикарбонат олиш технологияси ишлаб чиқилган ва шу орқали олинадиган тайёр маҳсулотларнинг таннархини камайтириш имконини берган;

газ-сууқ усулини қўллаш ёрдамида таркибида 98% дан кам бўлмаган $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot \text{NaHCO}_3\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ тутган натрий сесквикарбонат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонат ва уларнинг иштирокида сууқ композициялар ва кукунсимон маиший СЮВ технологияларининг тажриба-саноат синовлари АЖ “Қўнғирот сода заводи”да ўтказилган. Технологик тизим, технологик регламент ишлаб чиқилган, моддий баланс тузилган, ташкилот стандарти тасдиқланган;

олинган СЮВ яхши физик-кимёвий ва товар хоссаларига эгаллиги, сифат кўрсаткичлари бўйича истеъмолчилар талабларига тўлиқ жавоб бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий (рентген, дифференциал-термик, электрон-микроскопик, визуал-политермал) таҳлиллар натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, $\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}_2\text{-H}_2\text{O}$; $\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-CO}_2\text{-H}_2\text{O}$

системасининг эрувчанлик политермасини назарий таҳлил натижалари асосида кальцинациялаган сода, углерод (II) оксиди, водород пероксидларидан натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонат ишлаб чиқариш технологик омилларининг мақбул оралиғи топилди, ундан ташқари ўтказилган тажриба ишлари натрий пероксикарбонат ва натрий сесквикарбонат ҳамда турли қўшимчалар асосида кукунсимон ва суёқ синтетик ювиш воситаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган технологиялар маҳаллий хом ашё материалларини қўллаш эвазига, четдан олиб келинадиган фаол қўшимчаларни алмаштириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулот олиш, натижада маиший кимёда қўлланиладиган компонентлар ассортиментини кенгайтиришга имкон беради. Ишнинг амалий аҳамияти яна шу билан белгиланадики, "Қўнғирот сода заводи" АЖ тажриба қурилмасида $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ ва маиший СЮВ партиялари ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кальцинацияланган сода эритмасига водород пероксиди эритмаси ва углерод (II) оксидини таъсир эттириш йўли билан натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонат олиш ҳамда улар асосида экологик тоза маиший СЮВ олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кукунсимон синтетик ювувчи воситага ташкилот стандарти ишлаб чиқилган ва "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланган (TSh 15510698-03: 2016). Мазкур стандарт маҳсулотнинг таркиб ва сифатларини технологик назорат қилишга имкон беради;

натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонат, кукунсимон ва суёқ синтетик ювиш воситаларини олиш технологиялари "Қўнғирот сода заводи" АЖ нинг истиқболли ишланмалари рўйхатига киритилган ("Ўзкимёсаноат" АЖ нинг 03 июль 2020 йилдаги 14-2969 рақамли маълумотномаси). Натижада маҳаллий хомашё асосида синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқариш учун кенг ассортиментдаги компонентлар олиш, шу орқали тайёр маҳсулотлар таннархини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг(PhD) асосий илмий натижалари 6 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 5 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва мавзуси тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Дунёда ва Ўзбекистонда синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати**» бобида натрий пероксикарбонат, трона олишни тадқиқ этиш бўйича адабиётлар маълумотларнинг танқидий таҳлилига бағишланган; СЮВни олиши ва уларни қўллаш бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар ишларининг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилган. Кенг миқёсда қўллашга мўлжалланган СЮВлар олишнинг ҳар хил усуллари ҳамда натрий пероксикарбонат ва сесквикарбонатларни қўллаш соҳалари, уларни маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкониятлари таҳлил қилинган. Илмий материални таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Юувчи воситаларни олишда фойдаланилган хом ашёларнинг таснифлари ва тадқиқот усуллари**» бобида тадқиқот объектларининг таркиби ва хоссалари, тажрибалар ўтказиш услубиятлари, шунингдек синтез қилинган маҳсулотларни кимёвий таҳлил ва физик-кимёвий тадқиқ қилиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг учинчи «**Синтетик ювиш воситалари ва унинг асосий ноорганик таркибий қисмларини олишнинг физик-кимёвий асослари ва технологияси**» бобида натрий пероксикарбонат ва натрий сесквикарбонат олиш жараёнини асословчи уч компонентли мураккаб сув системаларини физик-кимёвий таҳлил натижалари: технологик омилларнинг натрий пероксикарбонат унумига таъсири ва оралиқ-якуний реакция тизимларининг реологик хусусиятлари; кальцинациялаган сода эритмасини углерод (II) оксиди билан карбонизация қилиб натрий сесквикарбонат олишга тегишли илмий маълумотлар; суюқ ва кукун СЮВ таркибларининг функционал кўрсаткичларга таъсирини ўрганиш натижалари берилган.

Адабиётлар ва экспериментал маълумотлар асосида натрий пероксикарбонат тайёрлашнинг назарий асоси уч компонентли $\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}_2\text{-H}_2\text{O}$ системаси график ва аналитик усуллардан фойдаланиб $-58,0$ дан 30°C гача ҳарорат оралиғида ўрганилди.


Системанинг эрувчанлиги диаграммалари $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 10\text{H}_2\text{O}$, Na_2CO_3 , $\text{H}_2\text{O}_2\cdot\text{H}_2\text{O}$, $\text{H}_2\text{O}_2\cdot 2\text{H}_2\text{O}$, H_2O_2 , $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$, $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot\text{H}_2\text{O}\cdot 2\text{H}_2\text{O}_2$, $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 2\text{H}_2\text{O}_2$ музнинг кристалланиш майдонлари билан ажралади. Қўшалок бирикмалар кристалланишига мос келадиган 5 уч фазали фигуратив нуқта аниқланди: муз + $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 10\text{H}_2\text{O}$ + $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$, муз + $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ +

$H_2O_2 \cdot 2H_2O$, $H_2O_2 \cdot H_2O + H_2O_2 \cdot 2H_2O + Na_2CO_3 \cdot H_2O \cdot 2H_2O_2$, $H_2O_2 \cdot H_2O + Na_2CO_3 \cdot H_2O \cdot 2H_2O_2 + H_2O_2$, $Na_2CO_3 \cdot 2H_2O_2 + Na_2CO_3 \cdot H_2O \cdot 2H_2O_2 + H_2O_2$.

Ўрганилаётган ҳарорат оралиғида системада қуйидаги таркибдаги учта янги бирикмалар ҳосил бўлади: $Na_2CO_3 \cdot 1,5H_2O_2$, $Na_2CO_3 \cdot H_2O \cdot 2H_2O_2$ ва $Na_2CO_3 \cdot 2H_2O_2$.

Технологик ҳисоб-китобларда политемик диаграммаларни қўллаш қийин, шунинг учун у изотермик кўринишда тасвирланади (1-расм).

Демак, $Na_2CO_3 \cdot 1,5H_2O_2$ олиш жараёнини Na_2CO_3 - H_2O_2 - H_2O уч компонентли системаси эрувчанлиги асосида кўриб чиқамиз. 30 %-ли натрий карбонати эритмасини (Na таркиб) водород пероксиднинг 20, 30, 40, 50 ва 60 %-ли эритмалари билан аралаштирилганда, системадаги водород пероксиднинг таркиби N_0-A_1 ; N_0-A_2 ; N_0-A_3 , N_0-A_4 ва N_0-A_5 чизиқлари бўйлаб ўзгаради; агарда 30 %-ли натрий карбонатнинг водород пероксидига нисбати 8:2 ва 6:4 бўлса, унда N_1 , N_2 , N_3 , N_4 ва N_1' , N_2' , N_3' , N_4' нуқталаридаги аралашмалар В- $Na_2CO_3 \cdot 1,5H_2O_2$ таркибли қаттиқ фазадан ва L_n суюқ фазадан иборат бўлади.



1-расм. Натрий пероксикарбонатини суюқфазали усулда синтезини асослаш учун диаграмма.

График ҳисоблар билан аниқландики, $m_{Na_2CO_3} : m_{H_2O_2} = 8:2$ нисбатда биринчи босқичга ($30^\circ C$) қараганда анча кўп қаттиқ фаза ($Na_2CO_3 \cdot 1,5H_2O_2$) ҳосил бўлади. 8:2 ва 6:4 нисбатларда қаттиқ фаза миқдорининг йиғиндиси дастлабки эритмадаги H_2O_2 миқдори 20, 30, 40 ва 50% учун мос равишда 0;

0,201; 0,221; 0,315 ва 0,133; 0,170; 0,201; 0,220г ни ташкил этади, яъни нисбатнинг камайиши билан маҳсулот чиқими қисқаради.

Яна таъкидлаш мумкинки, максимал чиқимга эга натрий пероксикарбонатини олиш учун нисбат $m_{Na_2CO_3} : m_{H_2O_2} = 8 : 2 - 7 : 3$, дастлабки эритмадаги H_2O_2 концентрацияси эса 30-50% да ушлаб туриш лозим.


Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, баланс тажрибаларини ўтказдик, ундан келиб чиқадики, натрий карбонатнинг тўйинтирилган эритмасини 30 %-ли водород пероксиди эритмасини 30°C ҳароратда аралаштирганда, охиргининг масса улуши ортиши билан ҳосил бўлган суспензиядаги суюқ фазада фаол кислород миқдори 1,04-2,6% оралиғида, қаттиқ фазада эса 9,84-14,7% оралиғида ўзгаради. Олинган суспензияни 10°C гача совутилгандан сўнг, суюқ фазада фаол кислород миқдори 1,73-2,48% ни ташкил қилади, қаттиқ фазада эса бу кўрсаткич кескин равишда 3,6-0,49% гача камаяди. Шунинг учун, жараён 30°C да 15-30 дақиқа давомида амалга оширилади. Олинган суспензия дастлаб 30 минут давомида тиндирилади ва ҳосил бўлган С:Қ нисбати 2:1 дан ошмаган қуюқ масса филтрлаш босқичига ўтказилади, бу ерда филтрлаш тезлиги 1209,5 кг/м²·соат дан ортади. Маҳсулот кимёвий таҳлили фаол кислород миқдори 13-15 оғир.% оралиқдалигини кўрсатди.

Олинган эритмаларнинг зичлигини аниқлаш натижалари кўрсатдики, 30°C даги эритмада натрий карбонат нисбатининг ошиши билан суспензия зичлиги ортади. Масса нисбати $m_{Na_2CO_3} : m_{H_2O_2}$ ошиши билан ҳосил бўлган эритмаларнинг ёпишқоқлиги ошади, чунки Na_2CO_3 улушининг ошиши билан эритманинг ёпишқоқлиги 1,01630 мм²/с дан 1,446 мм²/с гача ортади.


Шунга ўхшаш ҳолат 30% Na_2CO_3 : 50% H_2O_2 нисбатида кузатилади. Олинган эритмаларнинг зичлиги 1,029-1,264 г/см³, қовушқоқлик эса 1,021-1,423 мм²/с оралиғида ўзгаради.

Олинган натрий пероксикарбонат намунасининг рентген, микроскопик ва термограмма суратлари 2, 3 ва 4-расмларда келтирилган.


File Name : Standard\TKTI-Dinara-4
Sample Name : Comment :
Date & Time : 05-19-18 13:09:33
Condition
X-Ray Tube : Cu(1.54060 Å) Voltage : 30.0 kV Current : 30.0 mA
Scan Range : 4.0000 <-> 80.0000 deg Step Size : 0.0200 deg
Count Time : 0.30 sec Slit DS : 1.00 deg SS : 1.00 deg RS : 0.30 mm



2-расм. $Na_2CO_3 \cdot 1,5H_2O_2$ рентгенограммаси.



3-расм. $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ микросурати.



4-расм. $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ термограммаси.

Олинган намуналарнинг рентгенафаза таҳлилига кўра, рентген нурланишининг максимум диффракциялари мавжудлиги $d = 6,39; 4,91; 3,97; 3,63; 3,01; 2,48; 2,32; 2,09; 2,00; 1,92; 1,85; 1,72; 1,58 \text{ \AA}$ (Na_2CO_3 $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$) соҳалари оралиғларига тўғри келгани билан тавсифланади (2-расм).


Микроскопик таҳлил натижаларига кўра $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ узунлиги 0,2 дан 3 мм гача бўлган фасол шаклидаги цилиндрсимон кристалл, у юзасида натрий карбонат билан боғлиқ энг кичик зарралар жойлашган (3-расм).

Термограмма кўрсатмоқдаки (4-расм), 20-260°C ҳарорат оралиғида масса йўқотиш икки босқичда содир бўлади. Биринчи босқич – 80-100°C, бу ҳолатда авваламбор 3,38% $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ масса йўқотилиши билан сув буғланиши содир бўлади (эндотермик пик - $T_{\text{max}} 92,4^\circ\text{C}$, энергия ютилиши - 67,2 J/g, сувсизланиш тезлиги - 2 %/дақ.). Намунани 125°C дан юқорида қиздирганда, намунанинг масса йўқолишини 26,27% ва умумий 76 J/g

микдорида энергия чиқишини келтириб чиқарувчи термооксидланиш орқали бузилиши ривожланади.

Илгари натрий карбонат ва бикарбонат асосида натрий сесквикарбонат олиш жараёни ўрганилган, аммо "Қўнғирот сода заводи" АЖ амалиёти кўрсатдики, технологик линиядан ортиқча натрий бикарбонатни олиш баъзи технологик муаммолар туғдирди.

Шунинг учун биз томондан натрий карбонат ва углерод икки оксиди асосида натрий сесквикарбонат олиш имкони ўрганилди. Сода эритмасини карбонизациялаш қуйидаги реакциялар бўйича содир бўлиши мумкин:



$\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-CO}_2\text{-H}_2\text{O}$ системасини тахлили шуни кўрсатдики, агарда содали эритма концентрацияси 18% дан кам бўлса, унда жараён (1) реакция бўйича кетади. Содали эритма концентрациясини 20% дан оширилганда (2) реакция содир бўлади. Аммо, натрий сесквикарбонат тозалигини яхшилаш учун карбонизация даражасини 50% дан оширмаслик ва ҳароратни 70-80°C атрофида ушлаб туриш лозим. Жараёнда карбонат газидаги углерод (II) оксиди концентрациясининг таъсири тажриба йўли билан аниқланади. Чунки, ушбу жараёнга технологик омилларнинг таъсири етарлича ўрганилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур ишда асосан ҳар хил концентрациядаги кальцинацияланган сода эритмаларининг карбонизация жараёнига углерод (II) оксиди концентрацияси ва карбонат гази босимининг таъсири ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Натрий карбонат эритмасини карбонизация жараёнига газ таркибидаги CO_2 микдорининг таъсири

№	Карбонат гази босими, кгс/см ²	Карбонат гази таркибидаги CO_2 , %	Суюқ фаза рН	Суюқ фаза зичлиги, г/см ³	$\text{NaHCO}_3 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чиқими, %	С:К, нисбати	Фильтрация тезлиги, кг/м ² •соат	
							Қаттиқ фаза бўйича	Суюқ фаза бўйича
1	2	28,57	9,92	1,053	58,4	3,83:1	559,57	2020,49
2		37,50	9,90	1,052	68,9	3,29:1	732,62	2281,85
3		50,00	9,54	1,048	72,3	3,04:1	968,25	2806,28
4		62,50	9,46	1,045	74,7	2,58:1	1350,32	3891,63
5		71,42	9,31	1,043	77,2	2,28:1	1964,99	5555,22
6		99,00	9,31	1,044	75,5	2,19:1	1385,00	4037,58

Зарур ораликдаги CO_2 бўйича газ концентрациясини 99 %-ли CO_2 ни ҳаво билан аралаштириш орқали 28,57, 37,50, 50,0, 62,5, 71,42% концентрациядаги газли аралашмалар олинди. Тажрибаларда 20, 25, 30% концентрациядаги Na_2CO_3 эритмалари ишлатилди, карбонизация давомийлиги 20 дақиқани ташкил этди. Тажрибалар маълумотлари

кўрсатдики, карбонат газни таркибидаги CO_2 миқдори 28,87-50,0% оралиғида $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чиқимиға кучли таъсир кўрсатади, бунда бу кўрсаткич 13,9% га, яъни 58,9% дан 72,3% гача ортади.

CO_2 концентрациясининг кейинчалик яна 100% гача оширилиши $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чиқимини атиги 2,2% га оширади. Таъкидлаш лозимки, таркибида 71,42% CO_2 бўлган карбонат газни ишлатганда $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чиқими 99% CO_2 тутган карбонат газига нисбатан 1,6% га юқори бўлади. Реакциядан сўнг ҳосил бўлган суспензия дастлаб 100-120 сония давомида тиндирилади, натижада олинган $\text{C}:\text{K}=3:1$ дан кўп бўлмаган нисбатдаги қуюқ масса филтрлаш босқичига юборилади, бу ерда унинг филтрланиш тезлиги $1350,32 \text{ кг/м}^2 \cdot \text{соат}$ гача етади.

Мазкур ҳолатда реакция системанинг дастлабки ва оралиқ моддалари молекулалари ўртасида боради.

Ушбу усулда реакция тизими бошланғич ва оралиқ моддаларининг молекулалари ўртасида содир бўлади. Қуритишдан сўнг таркибида 97% дан кам бўлмаган $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ тутган маҳсулот олинади. Адабиёт манбаларидан маълумки, қаттиқ фазали режимда трона моддаси натрий карбонати ва бикарбонати зарралари юзасида ҳосил бўлади, шу туфайли маҳсулотда $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ миқдори 85% дан ошмайди.

Сода маҳсулотларининг СЮВ функционал параметрларига таъсирини ўрганиш учун композициялар тайёрланди (2-жадвал).

2-жадвал

Турли сода маҳсулотлари иштирокидаги маиший СЮВ таркиблари


Намуналар рақами	Компонентлар номи								
	СФМ	Na_2CO_3	NaHCO_3	$\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	$\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{NaHCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	NaКМЦ	Суюқ шиши	Крахмал	$\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$
1.	20	75	-	-	-	1	1	1	1
2.	30	65	-	-	-	1	1	1	1
3.	40	55	-	-	-	1	1	1	1
4.	20	-	75	-	-	1	1	1	1
5.	30	-	65	-	-	1	1	1	1
6.	40	-	55	-	-	1	1	1	1
7.	20	37,5	37,5	-	-	1	1	1	1
8.	30	32,5	32,5	-	-	1	1	1	1
9.	40	27,5	27,5	-	-	1	1	1	1
10.	20	-	-	75	-	1	1	1	1
11.	30	-	-	65	-	1	1	1	1
12.	40	-	-	55	-	1	1	1	1
13.	20	-	-	-	75	1	1	1	1
14.	30	-	-	-	65	1	1	1	1
15.	40	-	-	-	55	1	1	1	1

- қаттиқ фазали усулда олинган.
- газ-уюқ фазали усулда олинган.


Ҳар хил турдаги сода маҳсулотларининг СЮВларнинг функционал кўрсаткичларига таъсирига кўра, уларнинг қуйидаги кетма-кетликдаги фаоллик қатори тузилди: $\text{Na}_2\text{CO}_3 < \text{NaHCO}_3 < (\text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{NaHCO}_3 = 1:1$ (механик аралашма) $<$ қаттиқ-фазали натрий сесквикарбонати $<$ газ-суюқ фазали натрий сесквикарбонат. Бунда энг юқори фаолликка эга бўлган модда газ-суюқ усулда олинган натрий сесквикарбонати (трона) ҳисобланади.

Кейинги тажрибаларда содали маҳсулот сифатида газ-суюқ фазали усулда олинган тронадан фойдаланилди. Трона асосида олинган синтетик ювиш воситасининг функционал кўрсаткичларига ва товар хоссаларига таркибнинг таъсирини аниқлаш учун турли таркибли намуналар тайёрланди. Компонентлар миқдори қуйидаги ораликда ўзгартирилди, оғир. %: СФМ - 10-40; трона - 40-75; натрий пероксикарбонат - 0-20; суюқ шиша - 0-8; крахмал - 0-2; NaKMnO_4 - 0-1 ва 0-2% миқдорда бошқа органик ва ноорганик қўшимчалар, ундан ташқари ҳушбўй ҳид берувчи эфирлар ва ранг берувчи пигментлар.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, намуналар таркибида СФМ миқдори ошиши кўпик баландлиги ва унинг барқарорлигини оширади, эритмаларда рН кўрсаткичини эса 0,5-0,8 га кўтаради. Таркибида 25-32% СФМ бўлган намуналарда ювиш даражаси максимумга эришилади (5-расм). Натрий сесквикарбонат улушининг 40-60% гача ошиши кўпик баландлигига ва эритманинг рН кўрсаткичига деярли таъсир этмайди, бунда ювиш даражаси тўғри чизикли равишда ошади. Унинг миқдори 60-70% гача оширилганда эса ювиш даражаси максимум орқали боради, 65% қўшилганда ювиш даражаси 15-20% ошади, гарчанд дастлабки кўпик баландлиги камаяди (6-расм).



5-расм. СЮВ таркибидаги сирт фаол моддаларнинг функционал кўрсаткичларга таъсири:
а) кўпик баландлиги; в) ювиш даражаси.



6-расм. СЮВ таркибидаги натрий сесквикарбонатнинг функционал кўрсаткичларга таъсири:
а) кўпик баландлиги; в) ювиш даражаси.

Натрий пероксикарбонат миқдорининг 5% гача ошиши намуналарда ювиш қобилиятини хона ҳароратида атиги 5-6% га оширади, эритмаларнинг дастлабки кўпик баландлиги ва рН эса деярли ўзгармайди. Лекин, ювиш ҳарорати кўтарилганда, оқартириш қобилияти етарлича ортади. Шунинг учун СЮВ таркибида натрий пероксикарбонатнинг мақбул миқдори 5% дан ошмаслиги керак. СЮВ эритмаларининг дифференциал эгри чизиқлари кўрсатмоқдаки (7-расм, а), натрий сесквикарбонат миқдори ошиши билан кўпик сўниши 0,55 дан 0,2 мм/сония гача камаяди. Натрий пероксикарбонат 1-5% гача миқдорда кўшилиши билан боғлиқ равишда кўпикнинг сўниш эгри тезлиги 0,45 дан 0,70 мм/сония гача оралиғида ўзгаради.

а


б

7-расм. СЮВ эритмаларида кўпик сўниш дифференциал эгрилигига компонентлар таъсири: а) натрий сесквикарбонат; б) натрий пероксикарбонат.


Диссертациянинг тўртинчи бобида «Кўнғирот сода заводи» АЖ модел қурилмасида натрий пероксикарбонат, сесквикарбонат, суяқ ва кукунли синтетик ювиш воситаларини олиш технологиясини синовдан ўтказиш» таклиф этилаётган натрий пероксикарбонат (8-расм), натрий сесквикарбонат (9-расм), ундан ташқари суяқ ва кукунсимон синтетик ювиш воситаларини олишнинг технологик тизимлари, моддий баланслари, таклиф этилаётган ишлаб чиқаришларнинг техник-иқтисодий ҳисоблари ҳамда "Кўнғирот сода заводи" АЖ модель қурилмасининг блок-тизими келтирилган.

"Кўнғирот сода заводи" АЖ кальцинацияланган содаси ва водород пероксид асосида натрий пероксикарбонат ишлаб чиқариш қуйидаги асосий босқичлардан иборат (8-расм).

1. Кальцинацияланган сода эритмаларини водород пероксид эритмаси билан аралаштириш;



8-расм. Натрий пероксикарбонат олиш жараёнининг технологик тизими.



9-расм. Газ-суюқ усулда 1 тонна сесквикарбонат натрий ишлаб чиқаришнинг моддий баланси.

2. Ҳосил бўлган суспензияларни тиндириш;
3. Суспензиянинг қуюқлашган қисмини центрифугалаш;

4. Нам маҳсулотни қуритиш;
5. Олинган суюқликни буғлатиш;
6. Олинган суюқликда кальцинацияланган содани эритиш.

Маҳаллий хомашё ресурлари асосида натрий пероксикарбонат ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини тахминий аниқлаш учун 1 тонна маҳсулот олишнинг техник-иқтисодий ҳисоблари амалга оширилди. Ҳисоблар шуни кўрсатдики, маҳаллий хомашё асосида олинган натрий пероксикарбонатнинг таннархи четдан келтириладиган натрий пероксикарбонат таннарихидан 1,5-2,5 баробар арзондир.

Юқорида олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари ва адабиётлардаги маълумотлар асосида таклиф этилаётган экологик ҳавфсиз маиший СЮВ таркибида сирт фаол моддалар, натрий сесквикарбонат, аммоний фосфатлар, натрий метасиликат, натрий пероксикарбонатларнинг мақбул таркиби белгиланди. Бунда шампун, етмак илдизидан гидрофитоконцентрат ва Устюрт ўсимлигидан олинган экстрактида ҳамда стандарт қўшиладиган органик ва ноорганик қўшимчалар, ароматизатор ва ранг берувчи пигментлардан фойдаланиб турли мақсадда ишлатиладиган СЮВ таркиби ишлаб чиқилди ва уларни ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилди.

Ишлаб чиқилган маҳсулотларда маиший СЮВ таркибидаги натрий учполифосфат (20-40%) ва натрий пероксиборатни (3-20%) трона ва натрий пероксикарбонатга алмаштириш маълум бўлган СЮВдан бир қанча афзалликларга эга қилади:

- технологик тизимнинг соддалиги;
- маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш;
- иссиқлик ва қувват сарфининг камлиги;
- тайёр маҳсулотнинг таннархи пастлиги;
- экологик ҳавфсизлик.

Шундай қилиб, маиший мақсадлар учун янги турдаги СЮВ ишлаб чиқиш технологиясининг юқоридаги афзалликлари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва санитария-токсикологик ҳавфсизлиги, уларни ишлаб чиқаришни Ўзбекистон Республикасида маҳаллий хомашё асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келишимизга имкон беради.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Адабиётлар ва экспериментал маълумотларга асосланиб, натрий карбонати, водород пероксиди ва сувдан иборат системаларда гетероген фазалар мувозанатининг политермаси қурилди. Мувозанатдаги қаттиқ фазаларни кимёвий, ДТА ва рентгенфазада таҳлил усуллари ёрдамида янги бирикма - $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ ҳосил бўлишнинг концентрация ва ҳарорат чегаралари аниқланди ҳамда $\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}_2\text{-H}_2\text{O}$ системасининг эрувчанлик изотермасидан графоаналитик усулда кальцинацияланган сода ва водород пероксиди асосида $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 1,5\text{H}_2\text{O}_2$ олишнинг технологик параметрлари

ўзгариш ораликлари тавсия этилди.

2. Водород пероксиди ва натрий карбонатдан натрий пероксикарбонат олиш технологияси ишлаб чиқилди. Натрий пероксикарбонатни олишнинг энг мақбул нисбатлари $\text{Na}_2\text{CO}_3:\text{H}_2\text{O}_2 = 8:2\div 7:3$ ва бошланғич эритмадаги H_2O_2 концентрацияси 30-50% ҳисобланади. $\text{Na}_2\text{CO}_3:\text{H}_2\text{O}_2 = 10:90\div 80:20$ нисбатда ҳосил бўлган суспензия ёпишқоқлиги ва зичлиги ҳарорат ва концентрацияга боғлиқ равишда ўзгаради. Кристалланиш жараёнида тўйинган эритмадан пероксид бирикмаларининг ловиясимон кристаллари чўкмага тушади, заррачалари ўлчами 10-20 мм бўлган агломерат кўринишида бўлади.

3. Кальцинацияланган сода эритмасини карбонизациялаш орқали натрий сесквикарбонатни олишда аниқландики, карбонат газни таркибида CO_2 миқдори 28,87-50,0% оралигида бўлганда $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot\text{NaHCO}_3\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чиқими 58,9-72,3% ни ташкил этади. Таъкидлаш лозимки, таркибида 71,42% CO_2 бўлган карбонат газни ишлатганда $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot\text{NaHCO}_3\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чиқими 99% CO_2 тутган карбонат газига нисбатан 1,6% га юқори бўлади. Реакциядан сўнг ҳосил бўлган суспензия дастлаб 100-120 сония давомида тиндирилади, натижада олинган $\text{C}:\text{K}=3:1$ дан кўп бўлмаган нисбатдаги қуюқ масса филтрлаш босқичига юборилади, бу ерда унинг филтрланиш тезлиги $1350,32 \text{ кг/м}^2\cdot\text{соат}$ ни ташкил этади.

4. Ҳар хил турдаги сода маҳсулотларининг СЮВларнинг функционал кўрсаткичларига таъсирига кўра, уларнинг қуйидаги кетма-кетликдаги фаоллик қатори тузилди: $\text{Na}_2\text{CO}_3 < \text{NaHCO}_3 < (\text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{NaHCO}_3 = 1:1$ (механик аралашма) $<$ қаттиқ-фазали натрий сесквикарбонати $<$ газ-сууюқ фазали натрий сесквикарбонат. Бунда энг юқори фаолликка эга бўлган модда газ-сууюқ усулда олинган натрий сесквикарбонати ҳисобланади.

5. Маиший СЮВ таркибида сирт фаол моддалар, натрий сесквикарбонати, аммоний фосфатлар, натрий метасиликати, натрий пероксикарбонатдан иборат мақбул таркиби белгиланди. Бунда шампун, етмак илдизидан гидрофитоконцентрат ва Устюрт ўсимлигидан олинган экстракт ҳамда стандарт қўлланиладиган органик ва ноорганик қўшимчалар, ароматизатор ва ранг берувчи пигментлардан фойдаланган ҳолда турли мақсадда ишлатиладиган синтетик ювувчи воситалар олиш мумкин.

6. Лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари ёрдамида маҳаллий хомашёлар асосида маиший ювиш воситаларини олиш жараёнининг технологик тизими ишлаб чиқилган. Олинган натрий сесквикарбонатдан бир тонна маиший СЮВ ишлаб чиқариш бўйича моддий баланс тузилди. Куқунсимон ювувчи восита ишлаб чиқаришига "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ташкилот стандарти ишлаб чиқилди. Ушбу стандарт маҳсулот таркиб ва сифатини назорат қилиш имконини беради.

7. Техник-иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш ва хомашё таннархини ҳисобга олган ҳолда, 1 тонна натрий пероксикарбонат ва натрий сесквикарбонат ва куқунсимон маиший СЮВ таннархи таклиф қилинаётган технология бўйича мос равишда 7144815, 1666667 ва 9582450 сўмни ташкил қилади, бу эса импорт маҳсулотларга нисбатан 1,5-2 баробар арзон ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЭРКАЕВА НАЗОКАТ АКТАМОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ СИНТЕТИЧЕСКИХ
МОЮЩИХ СРЕДСТВ НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЕВЫХ
РЕСУРСОВ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2019.3.PhD/T1278.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Каипбергенов Атабек Тулепбергенович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Намазов Шафбат Саттарович
доктор технических наук, профессор, академик

Султонов Боходир Элбекович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Ургенчский Государственный университет

Защита диссертации состоится «8» сентября 2020 года в «15⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрирована за № 11). (Адрес: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60)..

Автореферат диссертации разослан «28» августа 2020 года
(реестр протокола рассылки № 11 от «28» августа 2020 года)



Б.С. Закиров

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н., проф.

Д.С. Салиханова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., проф.

С.А. Абдурахимов

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировая практика показывает, что химическая промышленность в определенной степени определяет научно-технический прогресс современности и потому химизация народного хозяйства является одним из основных критериев развития экономики страны. В настоящее время обеспечение народного хозяйства бесфосфатными, экологически чистыми и высококачественными синтетическими моющими средствами (СМС), дальнейшее улучшение эффективности их использования являются приоритетными задачами. В этом аспекте важное значение имеет внедрение технологии получения экологически чистых СМС с высокими функциональными показателями путем введения с поверхностно-активными веществами (ПАВ) в состав различных моющих средств содовых продуктов (сесквикарбонат натрия и др.), химических отбеливателей (пероксикарбонат натрия и др.), а также некоторых органических и неорганических добавок.

Во всем мире состав производимых СМС, кроме ПАВ состоит из основных веществ, как кальцинированная сода, триполифосфата натрия, сульфата натрия, химических отбеливателей, органических и неорганических добавок. Однако кальцинированная сода имеет высокое аллергическое воздействие, триполифосфата натрия считается остродефицитным веществом, к тому же имеется высокая санитарно-экологическая его опасность в окружающую среду, в связи с чем, организация производства бесфосфатных и экологически безопасных СМС на основе сесквикарбоната (трона) и пероксикарбоната натрия является актуальной. Для этой цели необходимо обосновать соответствующие научно-технические решения по следующим направлениям: определение влияния основных технологических параметров на процесс получения перкарбоната натрия; совершенствование методов синтеза сесквикарбоната натрия на основе карбоната натрия и углекислого газа (II); разработка технологии получения новых составов композиции моющих средств (порошкообразных и жидких) на основе сесквикарбоната натрия, пероксикарбоната натрия и других неорганических и органических добавок.

В Республике на основе реализации широкомасштабных мероприятий и инновационных разработок достигнуты существенные результаты в области производства бикарбоната и карбоната натрия, гидроксида и сульфата натрия и калия, СМС на основе кальцинированной соды, других минеральных солей. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 гг. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»¹. В этом плане стоят важнейшие задачи по разработке новых производственных процессов и усовершенствованию

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

существующих процессов при получении новых марок СМС на основе продуктов и полупродуктов АО «Кунградский содовый завод».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В научно-технической литературе имеется определенный объем научных материалов по синтезу поверхностно-активных веществ и их применению в различных областях химии и химической технологии (Ахмедов К.С., Хамраев С.С., Агзамходжаев А.А., Ахмедов У.К., Эшметов И.Д. и другие). Однако исследования процессов получения пероксикарбоната и сесквикарбоната натрия, а также моющих средств на их основе отсутствуют.

Хотя в литературе имеются данные о процессах синтеза сесквикарбоната и пероксикарбоната натрия, но совершенно не затронуты вопросы получения порошкообразных и жидких моющих средств на их основе.

